

ILMIY-AMALIY JURNAL

Impact Factor: 5.394

ISSN 2181-0958

DOI 10.26739/2181-0958

YURISPRUDENSIYA

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ | JURISPRUDENCE



7 JILD, 2

2026

YURISPRUDENSIYA

7 ЖИЛД, 2 СОН

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 7, НОМЕР 2

JURISPRUDENCE

VOLUME 7, ISSUE 2



Bosh muharrir:
Главный редактор:
Chief Editor:

SALAEV NODIRBEK
O'zbekiston Respublikasi Odil sudlov akademiyasi
professor, Yuridik fanlar doktori.

Bosh muharrir o'rinbosari:
Заместитель главного редактора:
Deputy Chief Editor:

RUSTAMBEKOV ISLAMBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti
Yuridik fanlar doktori, professor.

TAHRIRIY HAY'AT A'ZOLARI | РЕДАКЦИОННЫЙ СОВЕТ |

Mas'ul kotib | Ответственный секретарь | Responsible secretary:

DAVRONOV ATOBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti jinoyat-protsessual huquqi kafedrasida o'qituvchisi,
PhD yuridik fanlari bo'yicha falsafa doktori.

KARIMOV FARHOD
Siyosiy fanlar doktori, dotsent,
A. Avloniy nomidagi
Malaka oshirish instituti prorektori;

BAZAROVA DILDORA
Toshkent davlat yuridik universiteti
yuridik fanlar doktori, professor;

IMOMOV NURILLO
Toshkent davlat yuridik universiteti fuqarolik huquqi
kafedrasida mudiri, yuridik fanlar doktori, professor;

KHAIRIEV NODIRJON
O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti
professori, yuridik fanlar doktori, dotsent;

NEMATOV JURABEK
Toshkent davlat yuridik universiteti
ma'muriy va moliyaviy huquq kafedrasida
dotsenti, yuridik fanlar doktori, dotsent;

ISMAILOV SHUKHRATJON
Toshkent davlat yuridik universiteti mehnat
huquqi kafedrasida mudiri, yuridik fanlar doktori;

KHABIBULLAEV DAVLATJON
Toshkent davlat yuridik universiteti fuqarolik
protsessual va xo'jalik protsessual huquqi kafedrasida
mudiri, yuridik fanlar nomzodi, professor;

OCHILOV KHASAN
Yuridik fanlari bo'yicha falsafa
doktori (PhD), dotsent;

IBROKHIMOV JAMSHID
Yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD);

GAFUROVA NOZIMAKHON
Toshkent davlat yuridik universiteti xalqaro
huquq va inson huquqlari kafedrasida mudiri,
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;

NARZIEV OTABEK
Toshkent davlat yuridik universiteti xususiy
xalqaro huquq kafedrasida i.o. professori,
yuridik fanlar doktori;

MUSAEV BEKZOD
Toshkent davlat yuridik universiteti
konstitutsiyaviy huquq kafedrasida mudiri, yuridik fanlar
bo'yicha falsafa doktori (PhD), dotsent;

MURATAEV SERIKBEK
Jahon iqtisodiyoti va diplomatiya universiteti dotsenti,
yuridik fanlar nomzodi;

KAMALOVA DILDORA
Yuridik fanlar doktori, professor;

YUSUPOV SARDORBEK
Toshkent davlat yuridik universiteti ma'muriy va
moliyaviy huquq kafedrasida mudiri, yuridik fanlar bo'yicha
falsafa doktori (PhD), yuridik fanlar doktori, dotsent;

KHUJAEVA SHOKHJAKHON
Toshkent davlat yuridik universiteti
intellektual mulk huquqi kafedrasida mudiri,
yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD);

CHORIEVA DILBAR
dotsent, yuridik fanlar bo'yicha falsafa doktori (PhD).

Page Maker | Верстка | Sahifalovchi: Xurshid Mirzaxmedov

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqot город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

МУНДАРИЖА | СОДЕРЖАНИЕ | CONTENT

1. АНТИМОНОПОЛЬНЫЙ АНАЛИЗ АНТИКОНКУРЕНТНЫХ СОГЛАШЕНИЙ ПРИ АЛГОРИТМИЧЕСКОМ ЦЕНООБРАЗОВАНИИ	5
Курбонова Комилабону Рамзбек кизи	
2. МЕДИАЦИЯ В ТРУДОВЫХ СПОРАХ: СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ОПЫТА УЗБЕКИСТАНА, США И СТРАН БЛИЖНЕГО ВОСТОКА.....	14
Мавлонова Нигина Баходировна	
3. ОТВЕТСТВЕННОСТЬ ЦИФРОВЫХ ПЛАТФОРМ ЗА НАРУШЕНИЕ ПРАВ ПОТРЕБИТЕЛЕЙ В ЭЛЕКТРОННОЙ КОММЕРЦИИ: ПРОБЛЕМЫ ПРАВОВОГО РЕГУЛИРОВАНИЯ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН.....	23
Бозорова Заринабону Олимжон кизи	
4. ПРАВОВОЕ РЕГУЛИРОВАНИЕ МЕДИАЦИИ В ТРУДОВЫХ ОТНОШЕНИЯХ: МЕЖДУНАРОДНЫЕ СТАНДАРТЫ И НАЦИОНАЛЬНАЯ ПРАКТИКА.....	36
Мавлонова Нигина Баходировна	
5. РАЗВИТИЕ ИНСТИТУТА МЕДИАЦИИ В РЕСПУБЛИКЕ УЗБЕКИСТАН: ПРАВОВЫЕ И ПРАКТИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ.....	47
Абраев Хасан Чориевич, Чориева Дурдона Хасановна	
6. ПРИЧИННО-СЛЕДСТВЕННАЯ СВЯЗЬ В НЕМЕЦКОМ И УЗБЕКСКОМ УГОЛОВНОМ ПРАВЕ.....	54
Алиев Бобур Шерзодович	
7. МЕХАНИЗМЫ ЗАЩИТЫ КОРПОРАТИВНЫХ ПРАВ, ОСНОВАННЫХ НА ЦИФРОВЫХ АКТИВАХ: ОПЫТ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН.....	64
Шодмонова Муслимахон Йигиталиевна	
8. УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАХДИД.....	74
Дўстов Мамарасул Абдуллаевич	
9. АЙБГА ИҚРОРЛИК ТЎҒРИСИДА КЕЛИШУВ: ХОРИЖИЙ ВА МИЛЛИЙ ТАЖРИБА ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ.....	82
Яхё Махмудов	
10. КВАЗИСУБЪЕКТЫ В ГРАЖДАНСКОМ ПРАВЕ: ГЕНЕЗИС, ТРАНСФОРМАЦИЯ И СОВРЕМЕННЫЕ ВЫЗОВЫ.....	85
Абдужабборов Жавлонбек Пахлавон угли	
11. PROBLEMS OF THE FIDUCIARY DUTY OF MAJORITY SHAREHOLDERS IN UZBEKISTAN.....	94
Asliddin Ataullo ugli Habibullayev	

УЮШГАН ЖИНОЯТЧИЛИК МИЛЛИЙ ХАВФСИЗЛИККА ТАҲДИД



<https://doi.org/10.5281/zenodo.21498825>

*Дўстов Мамарасул Абдуллаевич, Ўзбекистон Республикаси ИИВ
Академияси Тезкор-қидирув фаолияти кафедраси доценти, юридик фанлар
бўйича фалсафа доктори, доцент*

Аннотация Уюшган жиноятчилик барча мамлакатларни истисносиз таъсир остига олувчи, доимий равишда ўзгариб турувчи ходисадир. Уюшган жиноий гуруҳлар уч ёки ундан ортиқ шахсдан ташкил топиб, маълум тузилиш даражасига эга бўлади ва камида битта оғир жиноятни содир этиш мақсадида муайян вақт давомида фаолият юритади. Бундай гуруҳлар молиявий ёки бошқа моддий манфаат кўриш учун келишилган ҳолда ҳаракат қилади. Кўпинча уюшган жиноий гуруҳлар асосий даромад манбаларини жамиятда талаби юқори бўлган ноқонуний товарлар ва хизматлар тақдим этишдан топади. Фойда олиш уюшган жиноий гуруҳларининг асосий мақсади бўлгани учун, улар кўпинча ноқонуний фаолиятдан келган даромадларини яшириш ва ҳимоя қилиш мақсадида барча имкониятларни ишга соладилар. Бунинг учун улар коррупция, пул ювиш, товламачилик ва тижорат тузилмалари ҳамда давлат органларига кириб бориш каби турли усуллардан фойдаланадилар. Уюшган жиноий гуруҳлар одатда трансчегаравий фаолият юритади ва улар аниқланиши мумкин бўлган соҳалар доираси кенг бўлгани сабабли, жамиятда бундай гуруҳлар сони тасаввур қилинганидан анча кўп эканлигини кўрсатади.

Калит сўзлар: уюшган жиноятчилик, коррупция, уюшган жиноий гуруҳлар, БМТнинг конвенцияси, Интерпол, трансмиллий уюшган жиноятчилик, трансчегаравий фаолият, ҳамкорлик.

ОРГАНИЗОВАННАЯ ПРЕСТУПНОСТЬ УГРОЗА НАЦИОНАЛЬНОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

*Дустов Мамарасул Абдуллаевич,
Доцент кафедры оперативно-розыскной деятельности Академии МВД
Республики Узбекистан, доктор философии по юридическим наукам, доцент*

Аннотация

Организованная преступность представляет собой постоянно меняющееся явление, затрагивающее все страны без исключения. Организованные

преступные группы состоят из трех или более лиц, имеют определенный уровень структуры и существуют в течение какого-либо периода времени с целью совершения по меньшей мере одного серьезного преступления. Организованные преступные группы также действуют согласованно с общей целью получения финансовой или иной материальной выгоды. Зачастую организованные преступные группы находят основные источники прибыли в предоставлении незаконных товаров и услуг, пользующихся высоким общественным спросом. Поскольку получение прибыли является главной целью групп организованной преступности, они зачастую прилагают все возможные усилия к тому, чтобы скрыть и защитить свои доходы от незаконной деятельности с помощью коррупции, отмывания денег, вымогательства и других форм проникновения в коммерческие структуры и органы власти. Организованным преступным группам свойственно вести трансграничную деятельность, и круг областей, в которых они могут быть обнаружены, означает, что их гораздо больше в обществе, чем это можно обычно представить.

Ключевые слова: организованная преступность, коррупция, организованные преступные группировки, Конвенция ООН, Интерпол, транснациональная организованная преступность, трансграничная деятельность, сотрудничество.

ORGANIZED CRIME IS THREAT TO NATIONAL SECURITY

Dustov Mamarasul Abdullaevich,

Associate Professor in the Department of Operative-Investigative Activities at the
Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan,
Doctor of Philosophy in Legal Sciences, Associate Professor

Annotation

Organized crime is a constantly evolving phenomenon affecting all countries without exception. Organized criminal groups consist of three or more individuals, have a certain level of structure, and exist for a period of time with the aim of committing at least one serious crime. Organized criminal groups also operate in concert with the common goal of obtaining financial or other material benefits. Often, organized criminal groups find their main sources of profit in providing illegal goods and services that are in high public demand. As profit-making is the primary objective of organized crime groups, they often go to great lengths to conceal and safeguard their illicit income through corruption, money laundering, extortion, and other forms of infiltration into commercial structures and government bodies. Organized criminal groups are characterized by their cross-border activities, and the range of areas in which

they can be detected suggests that their presence in society is far more pervasive than is typically imagined.

Keywords: organized crime, corruption, organized criminal groups, UN Convention, Interpol, transnational organized crime, cross-border activities, cooperation.

Уюшган жиноятчилик миллий ва глобал хавфсизлик учун бевосита ҳамда кенг миқёсли таҳдид ҳисобланади. Унинг бузғунчи таъсири давлат ҳаётининг деярли барча соҳаларини қамраб олиб, унинг мавжудлик асосларига путур етказди.

БМТнинг ҳисоб-китобларига кўра, уюшган жиноятчилик ХХI асрнинг энг жиддий таҳдидларидан биридир. Ҳуқукни муҳофаза қилиш тизими кучлари уюшган жиноий гуруҳларга қарши курашиш ўрнига террорчилик ҳаракатларига қарши курашга йўналтирилгани сабабли жиноятчиликнинг бу турига қарши кураш жадаллиги пасайиб, шундай вазият юзага келди. Натижада, кўплаб мамлакатларда уюшган жиноий гуруҳларга қарши кураш хизматлари сони қисқартирилди ва бу, ўз навбатида, вазиятни янада оғирлаштирмай қолмади.[1]

Дарҳақиқат, уюшган жиноятчилик мамлакатдаги жиноий вазиятнинг моҳиятини белгилайдиган асосий омиллардан бири ҳисобланади. У жамият фаолиятининг кўплаб соҳаларига ўз таъсирини ўтказиб, қонуний иқтисодиётга фаол суқилиб кирмоқда ва ҳокимият тузилмаларига киришга интилмоқда. Жиноятчи муҳит ўзининг ресурс ва функционал салоҳиятини оширишга, ташкилий тузилмасини мустаҳкамлашга ҳаракат қилмоқда, тарқоқ бандит гуруҳларидан интеллектуал ва техник жиҳатдан таъминланган, пухта яширинган жиноий ташкилотларга айланишга уринмоқда.

Ушбу масалани ёритишда “уюшган жиноятчилик” тушунчасининг таърифига тўхталиб ўтиш зарур. Таъкидлаш жоизки, мазкур тушунчанинг таърифи бўйича олимлар ўртасида ягона фикр мавжуд эмас.

Баъзи муаллифларнинг фикрича, сўзма-сўз маънода уюшган жиноятчилик - бу муайян ҳудудда ёки инсон фаолиятининг маълум бир соҳасида жиноий гуруҳлар томонидан содир этилган жиноятлар мажмуасидир.[2]

БМТнинг “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида” конвенциясида “уюшган жиноятчилик”нинг тушунчасига алоҳида таъриф берилмаган бўлсада, Конвенциянинг 2-моддаси уюшган жиноий гуруҳнинг таърифини ўз ичига олади ва унинг белгиларини очиб беради унда “уюшган жиноий гуруҳ” - маълум вақт давомида мавжуд бўлган ва бир ёки бир нечта оғир жиноятларни ёки ушбу Конвенцияга мувофиқ деб топилган ҳуқуқбузарликларни содир этиш, бевосита ёки билвосита, молиявий ёки бошқа моддий манфаат олиш

мақсадида биргаликда ҳаракат қиладиган уч ёки ундан ортиқ шахслардан иборат тузилган гуруҳ деб таъриф берилган.[3]

А.И. Гуров таъкидлашича, бу тушунча остида жиноят содир этишни касб, бизнес сифатида олиб боровчи ва коррупция ёрдамида ижтимоий назоратдан ҳимояланиш тизимини яратувчи жиноятчиларнинг барқарор, бошқариладиган ҳамжамиятларининг нисбатан кенг тарқалган фаолиятини тушуниш лозим.[4]

Айрим муаллифлар таъкидлашича, уюшган жиноятчилик фойда олиш мақсадида ташкил этилган ўзига хос жиноий синдикат бўлиб, уни қонуний бизнесдан фақат мақсадга эришиш усуллари ва услублари ажратиб туради.[5]

В.В.Лунеевнинг фикрига кўра, “уюшган жиноятчиликни ғаразли мақсадларда ва маълум бир ижтимоий соҳада ёки ҳудудда назорат (ҳокимият) ўрнатиш учун биргаликда жиноий фаолият юритиш мақсадида бирлашган шахсларнинг барқарор уюшмаси сифатида таърифлаш мумкин”.[6]

Бизнинг фикримизча, “уюшган жиноятчилик” тушунчасига қуйидагича таъриф бериш мумкин: бу ижтимоий ҳодиса бўлиб, у муайян тузилма ва ҳуқуқ-атвор қоидаларига эга бўлган жиноий бирлашмаларнинг фаолиятида намоён бўлади. Ушбу бирлашмалар жамият фаолиятининг ҳар қандай соҳасида ноқонуний даромад олишни мақсад қилади. Кўпинча, улар ўз жиноий фаолиятини яшириш учун ҳокимият ва бошқарув органлари ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари билан ғайриижтимоий алоқалардан фойдаланади.

Олдини олиш чоралари бўйича халқаро ҳужжатларда келтирилган қуйидаги тадбирларни кўрсатиш мақсадга мувофиқ:

- уюшган жиноятчиликка оид қонун ҳужжатларини янада узвий мувофиқлаштириш;
- тергов, жиноий таъқиб ва суд муҳокамаси босқичларида оператив фаолият масалаларида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш;
- минтақавий ва жаҳон миқёсида халқаро ҳамкорликнинг усуллари ва асосий тамойилларини жорий этиш;
- уюшган трансмилий жиноятчиликка қарши курашиш бўйича халқаро битимларни ишлаб чиқиш;
- жиноий йўл билан топилган маблағларни қонунийлаштириш (легаллаштириш)нинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шунингдек жиноий фаолият натижаларидан фойдаланишга қарши кураш чораларини кўриш;
- уюшган жиноий гуруҳлар фаолияти кенгайишининг олдини олиш чораларини кўллаш;
- минтақавий стратегияларни ҳаётга татбиқ этишга кўмаклашиш;

- давлатларнинг уюшган жиноятчиликка қарши курашда ўзаро ёрдам кўрсатиши;

- икки томонлама ва кўп томонлама техник ҳамкорлик бўйича чоратадбирларни зарурий равишда мувофиқлаштириш;

- сўровларга биноан техник ҳамкорликни ривожлантириш ва унинг тараққиётига кўмаклашиш;

- тергов органларига техник ёрдам кўрсатувчи полиция ходимлари, прокурорлар, судьялар ва бошқа мансабдор шахслар учун махсус ўқув курсларини ташкил этиш;

- жиноий ташкилотлар ҳақидаги маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш ва алмашиш;

- давлат ва тегишли хусусий ташкилотлар фаолиятида ҳалолликни таъминлаш учун мўлжалланган стандартлар ва тартиб-қоидаларни ишлаб чиқишга кўмаклашиш;

- уюшган жиноий гуруҳларнинг давлат органлари томонидан ўтказиладиган тендер тартиб-таомиллари, шунингдек субсидиялар ва лицензиялардан суиистеъмол қилишининг олдини олиш;

- иштирокчи давлатларнинг, тегишли ҳолларда, бир-бири билан ҳамда тегишли халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан юқорида кўрсатилган чоратадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилишда ҳамкорлиги.[7]

Шуни таъкидлаш жоизки, уюшган жиноятчиликнинг пайдо бўлиши масалаларини ўрганувчи айрим муаллифларнинг фикрича, унинг детерминантлари (айниқса трансмиллий) Халқаро ҳуқуқдаги бўшлиқлар (унинг номукаммаллиги) ҳисобланади, шунингдек:

- уюшган жиноятчилик феноменига геосиёсий ёндашув;

- жаҳон миқёсида жиноий фаолиятни мувофиқлаштиришни ташкил этиш ва бошқариш тўғрисидаги тизимли ва таркибий-функционал таҳлил маълумотлари;

- унинг молиявий ва сиёсий имкониятларини минтақавий миқёсда таҳлил қилиш;

- унинг ташқи ва ички бозорларга таъсири даражасининг аниқлиги;

- уюшган жиноятчиликка нисбатан ҳуқуқни қўллашнинг халқаро механизмларини амалга ошириш жараёнларини мувофиқлаштириш учун мослашувчан технологияларни, бутун тизимда ҳам, унинг алоҳида модулларида ҳам, уларни аниқлаш ва жиноий фаолиятни ҳужжатлаштириш жойларига кўра қўллашни назарда тутди.

Шуни ҳам таъкидлаш керакки, ушбу муаммони ўрганиш билан шуғулланаётган олимлар ўртасида уюшган жиноятчиликка қарши кураш чоратадбирлари бўйича ягона фикр йўқ.

Айрим муаллифлар уюшган жиноятчиликка қарши курашнинг самарали чоралари қуйидагилардан иборат эканлигини таъкидлайдилар:

уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича махсус фанларни жорий этиш орқали ҳуқуқшуносларнинг касбий тайёргарлигини такомиллаштириш;

ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни кенгайтириш;

трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро ташкилот тузиш ташаббуси билан чиқиш.

Трансмиллий уюшган жиноятчиликнинг тушунчасига ҳам тадқиқотчилар томонидан, махсус адабиётларда ва халқаро ҳужжатларда турли хил ёндашилмоқда.

Трансмиллий жиноятчилик таърифи ишлатилиши бўйича бир нечта таклифлар Интерполга аъзо мамлакатлар иштирокчиларининг 1988 йилда Сант-Клаудда уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўйича халқаро симпозиумида муҳокама қилинди. Муҳокама натижасида ушбу жиноят таърифини асос сифатида эндиликда қабул қилиш ва ишлатиш тўғрисида келишувга эришилди. [8]

БМТнинг *“Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида”* Конвенциясининг 3-моддасида жиноят трансмиллий хусусиятга эга бўлиши учун:

а) бир нечта давлатларда содир этилган бўлса;

б) у бир давлатда содир этилган бўлса, лекин уни тайёрлаш, режалаштириш, бошқариш ёки назорат қилишнинг муҳим қисми бошқа давлатда амалга оширилса;

в) бир давлатда жиноий гуруҳ (жамоа) томонидан содир этилган бўлиб, ўз жиноий фаолиятини бир неча мамлакатларга тарқатган бўлса;

д) у бир давлатда содир этилган бўлса, лекин унинг асосий оқибатлари бошқа давлатда юзага келган бўлади деб кўрсатилган.

Уюшган жиноятчилик даражаси бўйича давлатларнинг навбатдаги рейтинги эълон қилинди. Ушбу рейтинг Global Initiative against Transnational Organized Crime ташкилоти томонидан тузилади.[9]

Рейтинг муаллифлари давлатларни 3 мезон бўйича баҳолашган:

- криминал бозорларнинг кўлами ва таъсири;
- жиноятчиликнинг 4 тури (мафия, жиноий тармоқлар, давлат органларига кириб олган жиноий тузилмалар ва хорижий жиноий тузилмалар) структураси ва таъсири;

- давлатларнинг уюшган жиноятчиликка бардошлилиги.

Давлатлар ҳар бир мезон бўйича 1 дан 10 баллгача баҳоланган, бунда 1 балл паст даражадаги жиноятчилик, ҳукуматнинг жиноий доираларга қаршилик кўрсатишга юқори тайёргарлигини англатади.

Рейтингда 193 та давлатдан 1-ўринни Конго Демократик Республикаси эгаллаган (7,75 балл). 2-ўринга Колумбия (7,66), 3-ўринга эса Мьянма (7,59) қўйилган. Шунингдек, антирейтингнинг юқори ўнталигига Мексика, Нигерия, Эрон, Афғонистон, Ирок, МАР ва Ҳондурас кирган.

Ўзбекистон рўйхатда 4,96 балл билан 90-ўринни эгаллаган. Шунингдек, Марказий Осиё давлатларидан Тожикистон 62-ўринни (5,61), Қирғизистон 72-ўринни (5,33), Туркменистон 113-ўринни (4,61) ва Қозоғистон 133-ўринни (4,26) эгаллаган.

Уюшган жиноятчилик энг паст даражада бўлган давлат сифатида Тинч океанидаги Тувалу давлати эътироф этилган. У 1,54 балл билан рейтингнинг охириги позициясидан жой олган.

Юқоридагиларни ҳисобга олган ҳолда, бизнинг фикримизча, ҳозирги босқичда уюшган жиноятчиликка қарши курашиш учун қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш зарур:

- уюшган жиноятчилик кўринишидаги бирлашмаларга қарши бевосита кураш олиб боровчи тегишли органлар вакиллари мазкур ҳодисага қарши курашга қаратилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқишга жалб қилиш;

- жиноят қонунчилигига уюшган жиноий уюшмаларни тузиш ва уларнинг фаолияти учун жавобгарликни кучайтириш бўйича ўзгартишлар киритиш;

- коррупцияга қарши кураш механизмини такомиллаштириш, хусусан, бу соҳадаги қонунчилик базасини мустаҳкамлаш;

- кўрсатилган бирлашмаларнинг фаолиятини тўхтатиш ва уларнинг тузилишига қарши курашишга йўналтирилган бўлинмаларни энг тажрибали ходимлар билан тўлдириш;

- ёш мутахассисларни тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, уларни кўрсатилган бирлашмаларнинг ташкил этилиши ва фаолиятига қарши курашга йўналтириш орқали;

- мавжуд жамоат бирлашмаларини рўйхатдан ўтказиш ва уларнинг фаолиятини янада синчковлик билан текширишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;

- ёшларни ривожлантириш ва тарбиялаш даражасини оширишга қаратилган чора-тадбирлар сонини кўпайтириш, хусусан, таълим

муассасаларида ёшлар ўртасида жиноятчиликни олдини олишга қаратилган турли профилактик тадбирларни ўтказиш;

- тегишли муассасалар, шу жумладан олий ўқув юртларининг уюшган жиноятчиликка қарши курашиш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва уларни илмий асослаш борасидаги саъй-ҳаракатларини кучайтириш.

Иқтибослар/Сноски/References

1. Протасевич О.А.” Организованная преступность в современном мире”. [«Евразийский Научный Журнал №5 2017» \(май, 2017\)](#)
2. Маложон А. Соучастие в преступлении / А. Маложон // Юридическая консультация. – 2004. – № 6. – С. 9-12.
3. БМТнинг 2000 йил 15 ноябрдаги “Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши кураш тўғрисида” Конвенцияси.
4. Гуров А.И. Организованная преступность, не миф а реальность : (Социал., правовые и криминол. аспекты борьбы с организ. преступностью) : Пособие для слушателей нар. ун-тов. – М. : Знание, 1992. – 79 с.
5. Гилинский Я.И. Криминология: теория, история, эмпирическая база, социальный контроль : Моно-графия. – 3-е издание, переработанное и дополненное. – СПб: Алеф-Пресс, 2014. – 574 с.
6. Долгова А.И., Дьяков С. Б.. Организованная преступность / – М : Изд. Криминологическая ассоциация. – 1996. – 326 с.
7. Неапольская политическая декларация и Глобальный план действий против организованной транснациональной преступности. URL: https://www.un.org/ru/documents/decl_conv/decl_organizedcrime.shtml
8. Рахимов Н.И.Трансмиллий уюшган жиноятчилик унга қарши курашнинг ўзига хос хусусиятлари. SCIENCE AND INNOVATION IN THE EDUCATION SYSTEM International scientific-online conference. <https://doi.org/10.5281/zenodo.10460557>
9. <https://kun.uz/kr/88106789>

YURISPRUDENSIYA

7 ЖИЛД, 2 СОН

ЮРИСПРУДЕНЦИЯ

ТОМ 7, НОМЕР 2

JURISPRUDENCE

VOLUME 7, ISSUE 2

Editorial staff of the journals of www.tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

Контакт редакций журналов. www.tadqiqot.uz
ООО Тадqiqот город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000